

**ТАБИЙ (ҚИСИЛГАН, СУЮЛТИРИЛГАН)
ГАЗ СОТИШ ШАРТНОМАСИ №5**

Пешку туман

«24» январ 2022 йил

Пешку туманидаги “**Шахрулло Автотранс**” МЧЖ кейинги ўринларда “Сотувчи” деб юритилади, номидан ўзининг устави асосида иш юритувчи раҳбар **Х.Хамроев** тимсолида, бир томондан ва **Пешку туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими** кейинги ўринларда “Сотиб олувчи” деб юритилади, номидан ўзининг низоми асосида иш юритувчи бошлиғи **З.Қурбонов** тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ.

1.1. Сотувчи қуйидаги маҳсулотни сотиш мажбуриятини, харидор эса ўз вақтида тўлаш ва қабул қилиш мажбуриятини олади.

Сўмда					
№	Товар (Маҳсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Суюлтирилгангаз (пропан)	Литр	133	3 000	399 000
	Жами	Х	Х	Х	399 000

1.2. Маҳсулотни етказиш сотиб олувчи автомашинаси газ балонларини сотувчининг автомашинага газ қуйиш шаҳобчасида (АГҚШ) қуйиш йўли билан амалга оширилади.

1.3. Сотиб олувчи автомашинага газ қуйилган сана, маҳсулот етказиш санаси ҳисобланади.

2. ТЎЛОВ ТАРТИБИ

2.1. Суюлтирилган 1 литр газнинг нархи **3 000** сўмни ташкил қилади. Суюлтирилган 1 литр газнинг нархи Сотувчи биржадан сотиб олинган нархлар буйича узгариб туради, тарафлар шартноманинг умумий суммасидан ошмаган ҳолда нархлар буйича ҳисоб-китобни амалга оширадилар. Сотилган Табiiй (сиқилган, суюлтирилган) газнинг микдори узгариб туриши инобатга олиниб, ҳужжатларда акс эттирилади.

2.2. Мазкур шартнома тузилган вақтдаги умумий сумма **399 000** (Уч юз тўқсон тўққиз минг) сўмни ташкил этади.

2.3. Газ олинган кундаги нарх бўйича тўлов амалга оширилади.

2.4. Суюлтирилган газ “Тарқатиш қайдномаси” асосида берилади.

2.5. Тарқатиш қайдномаси сотиб олувчи томонидан газ учун ўтказилган пул сотувчининг ҳисоб-рақамига 100 % ўтказилгандан сўнг берилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотиб олувчи газга қайта жиҳозланган автомашинадан фойдаланиш давомида, техника хавфсизлиги ва техник ҳолати учун тўлиқ жавобгарлик мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

а) амалдаги қоидаларга, техник ҳолатга, суюлтирилган газдан фойдаланиш бўйича йўриқномага тўлиқ амал қилиш.

б) автомашинанинг газ баллон ускунасини соз ҳолатда сақлаш.

в) газ балоннинг геометрик ҳажми ва техник ҳолати тўғрисида йўл варақасига белги қўйиш.

г) белгиланган тартибда автомашинага газ қуйиш учун тегишли органлардан махсус рухсатнома олиш.

3.3. Сотувчининг ҳуқуқлари:

а) автомашинанинг газ мосламаларини тўғри эксплуатация қилинаётганлигини назорат қилиш, ўлчов асбобларининг созлигини текшириш.

б) ҳайдовчининг газ билан ишловчи автомашинани бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномасини текшириш.

в) сотиб олувчи белгиланган қоидаларга, газ қуйиш регламенти ва шартнома шартларига риоя қилмаслик ҳолатлари аниқланганда, автомобилга газ қуйишни тўхтатиш.